

*** Ижтимоий ҳимоя—амалда**

НАФАҚА ОЛУВЧИЛАРГА ХАЙРИЯ

РЕСПУБЛИКА нафақа олувчилар жамғармаси бўлимининг (бошқарувчиси А. А. Ваҳобов) Тошкент шаҳар филиали ҳамда Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг ижтимоий-таъминот бошқармаси (бошлиғи Х. У. Турсунова) Наврўз байрамига бағишланган хайрия тadbирини ўтказдилар. Нафақа олувчилардан 2000 кишининг манзилгоҳларига минг сўмдан миқдор бўлган пул жуънатлари юборилди. Ижтимоий ҳимояга айланиб муҳтож бўлган кишилар — кам таъминланган яққа-ёлғиз нафақа олувчилар, хасталар ва ногиронлар ана шу хайрия пуллирининг эгаси бўладилар. Нафақалар жамғармасидан бизга маълум қилишларича, почтачилар ана шу пул жуънатларини унинг эгаларига март ойининг шу охириг кунда топшириб бўлиши керак.

*** Узбекистон—Малайзия:**
ҳамкорлик қирралари

Дўстона ташриф мевалари

АВВАЛАМБОР дунёнинг Осиё қитъасида жойлашган Малайзия давлати ҳақида икки оғиз гап. Кейинги ўн йилликларда Осиё давлатлари Сингапур, Гонгконг каби Малайзия ҳам жуда ривожланиб кетди. У ерда ҳозир айниқса кимё сановати ривожланган. Жумладан каучук ишлаб чиқариш, бўғиларни тўғридан-тўғри ўсимликлардан олиш бўйича малайзияликларга етадиган бўлмас керак. Бир сўз билан айтганда айни пайтда бу давлат иқтисоди гунираб, яшнавляти. Бу ерда яна шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Малайзия 2020 йилга бориб Япония, АҚШ каби энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишга ҳаракат қилишти.

Энди Узбекистон билан Малайзия давлатлари ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий алоқаларга келсак, унга асосан 1989 йили асос солинган эди. Уша йили Малайзия Бош вазири Дато Сери Доктор Маҳатхир Бин Муҳаммад дийрнимизга биринчи марта таширф буюрган эдилар. Ана шундан кейин икки давлат ўртасидаги муносабатлар янги пороғонага кўтарилди.

Узбекистон Республикаси Президент Ислоом Каримов бошчилигидаги делегациянинг ўтган йил июнь ойидаги Малайзияга расмий таширфи Узуро муносабатларда айниқса ёрқин саҳифа очди. Эриштилган ахлашувларга биноан Узбекистон Республикаси ва Малайзия давлати ҳамкорлигида кўш-

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ

КОРХОНАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМИ

«ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати» илгизлама ишлаб чиқариш бирлашмасида Германиянинг «Баскок» фирмаси ҳамкорлигида янги пардозлаш фабрикаси иш бошлаганига эндигина бир ойдан ошди. Лекин шунга қарамай янги корхона белгиланган ойлик режасини ортиги билан бажариб сифатли ва харидоригр маҳсулотлар ишлаб чиқариши билан тилга чиқаришди.

— Маҳсулотларимиз жаҳон андозлари талабига жавоб бера оладиган даражада, — дейди бизга фабрика бош муҳандиси Султон Урмонов. — Албатта бундай юксак сифатни қўлга киритиш ўз-ўзидан бўлмади. Бунинг учун ҳамкор дўстларимиз билан кўп тер тўқимачилик тўғри келди. Асбоб-ускуналар асосан Германиядан келтирилган. Уларни ўрнатилган ҳам бизга чет эллик муҳандислар калта берди.

Хўш, бу ускуналарнинг қулайлиги нимадур? Аввало улар қўл меҳнатини деярлик талаб этмайди. Агар илгари корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларининг эни 80 сантиметрдан ошмаган бўлса, бу техникалар ердамида 145 сантиметрга бўлган маҳсулотларини ишлаб чиқариш мумкин. Фабрикада нафақат газмоллар, балки дастурхонлар, қўл сочиқлари ва тўй кўйлаклари тайёрланадими. Энг муҳими олдин корхона маҳсулотларига гул босиш имкони йўқ эди. Янги техника эса гулли газламалар ишлаб чиқариши билан ҳам ажралиб турибди.

Янги корхонанинг ўртача иш ҳажми йилга 115,5 миллион сўмни ташкил этади. Бу ҳозирча тахминий ҳисоб. Фабрика тўла куч билан ишласа, куридаги курастикчи 176 миллион сўмга етиши мумкин.

— Хўллас, маҳсулотларимиз жаҳон бозоридан ўрин оладиган кун жузда яқин, — дейди сўзининг охирида Султон Урмонов. Биз ҳам ўз навбатида янги ҳамкор корхонанинг қадими ҳамниша кутлуғ бўлишимиз истардик.

Мақсуд ОРТИҚОВ.



1-пайабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг таширфа ҳақида асосан янги моделдаги оёқ кийимлар тайёрланади. Янги турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жорий этишда айниқса цех ишчиларидан (чапдан-ўнганга) Зарифа Бахромова, Любовь Синцова ва Людмила Кирилловаларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Ҳолмат Мирзакаримов сурати.

ЁДГОРЛИК ЛАВҲАСИ ЎРНАТИЛДИ

ЯХШИ кишилар ҳақида теварак-арофда, улар меҳнат қилган жойларда ҳамниша илгиз қилар билдирилади. Шу тўғрйли бўлса керак бирор йилгишда ёни тадиор ўтказилаётган жойда «фалончининг ўрни жуда билинганда» деган гапларни қўлчанча эшитишга тўғри келади. Шаҳардаги энг йирик корхоналардан бири бўлган Тошкент тўқимачилик комбинатида қарашли тиббиёт-давона қисмида ҳам мана шундай эл оғизга тушган ўз ишнинг асил фидойилари бўлган инсонлар кўпчилигини ташкил этишади. Улардан бири Арам Асломович Хачиев эди. Бу юксак фазилатли инсон ҳаёт бўлганда 72 ёши қаршилаган бўларди. У 1944 йилдан то умрининг охиригача мана шу ерда бош шифокор ўринбосари лавозимида меҳнат қилиб келди. Шу дар мубайнида уста шифокор тошкентлик тўқимачилар учун зарур бўлган дори-дармон, тиббиёт дейсим, ҳаммасини муҳайё қилишга бутун куч ва курагини аямди.

Яқинда шифохона фойсига устоз шифокор Арам Хачиев хотирасига ҳурмат тариқасида ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Моҳира ХОЛМИРЗАЕВА, шифокор.

МАҲАЛЛА АҲЛИГА ҚУЛАЙЛИК

ТУМАНДА маҳаллаларини ободонлаштириш ишига катта эътибор берилмоқда. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжи ҳисобга олинб, маҳаллаларда замонавий янги чойхона ва нонвойхоналар бунёд этилмоқда. Жумладан, энг обод маҳаллалардан бири Яқкасарой маҳалласида яқинда ишга туширилган нонвойхона фикрининг далилидир.

— Биз бу янгиликни маҳалламиз аҳли учун қилингантам гамфўрликлардан бири деб тушунамиз, — дейди бизга маҳалла комитетининг расис — Орифхожи Алмихамомов. — Бир йилгишда нонвойхона тўғрисида гап бўлиб қолди. Мен бу тақдирни туман умумий овқатланш акционерлик концерни маъмурия-тага етказдим. Уларга ҳам бу фикр маъқул тушиб, маҳалла марказида нонвойхона қурилишини бошлаб юборишди. Мана бугун ушбу меҳнат самарасидан аҳоли баҳраманд бўлмоқда.

«Нонвойхонага Баҳодир Мусаев бошчилик қилмоқда. Бу ерда бир кунда 500—550 та бўрсиқдоқ нонлар ёпилмоқда. Уларнинг баҳоси ҳам иссоф билан белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, нонвойхона ишидан маҳалла аҳли миннатдор.

Қобил ИСОҚОВ.

Зиё маскани

КУТУБХОНАМИЗНИНГ Бобур номидаги маданият ва истироҳат борига жойлаштири бениз эмас. Чунки тумандаги муаллимлар тайёрлаш институти бизнинг рўпарамиздан ўрин олган. Ҳуқуқчиларимизнинг асосий қисмининг ҳам шу институт талабалари ташкил этади.

Кутубхона 5 миқрдан ортиқ ўқувчига хизмат қурсатади. Китоблар фонди 41 миңг нуҳсаддан ортиқ. Жумладан умумий-сиёсий адабиётлар 9761 та, техникага оид китоблар 2813 та, санъатга тааллуқли адабиётлар 3099 та, бадий адабиётлар эса 18147 тадан ороат.

Зиё масканининг 100 кишилик катта хонага эга. Бу ердан эрталабдан кечгача ўқувчилар аримайди. Уларга керакли адабиётларни топиб беришда кутубхонанинг беш хизматчиси яқиндан ёрдам беришади.

Биз нафақат аҳолига маърифат тариқатибига қўлай, балки туман маҳаллаларида тез-тез бўлиб, у ерлик аҳоли ўртасида қизиқарили навзаларда суҳбатлар ҳам ўтказиб турамин. Шу ой яқинда ана шундай суҳбатлар тумандаги Фарҳод ва Истиқлол маҳаллаларида олиб борилди.

Кутубхона ўзининг йиллик иш режасига эга. Ундан бир қатор тадибирлар ўрин олган. Масалан, Бобурнинг 510 йиллигини ўтказиш юзасидан катта таъбирларлик олиб бориш, шунингден буюн санъаткор Нормил Ерматов, устоз шоир Фафур Гуломларнинг 90 йиллигини ўтказиш ҳақида, биродарлашган шаҳарлар кўни, Мустақиллик кўни, Галаба кўнини муносиб кутуб олиш ҳуқуқидиги масалалар шулар жумласидан.

Жамоамиз яқинда бўлиб ўтган умумшаҳар ҳашиарида ва Наврўз байрами тантаналарида ҳам фаол иштирок этишди.

Белла ГРИШИНА, Першин номидаги кутубхона мудирининг ўринбосари.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

● ЯККАСАРОЙ тумани Миробод, Чилонзор, Сергели туманлари билан туташган бўлиб, умумий майдон 1433 гектарни ташкил этади. Бу ерда турли миллат вакиллари билан ташкил топган 117100 аҳоли истиқомат қилади.

● ТУМАНДА 20 та сановат корхонаси жойлашган. Тўқимачилик комбинати, тўқимачилик машинасозлиги ва 1-пайабзал ишлаб чиқариш бирлашмалари уларнинг ичида энг йирик ҳисобланади.

● ЭНГ кўп курилши ташкилоти бўлиб шу ерда жойлашган бўлиб, уларнинг сони 39 тага етади. Шунингден, туманда еттига транспорт корхоналари ҳам мавжуд.

● ШАҲРИМИЗДАГИ йирик олий ўқув юртра-ридан учтаси — Тошкент муаллимлар таъбирлаш институтини, тўқимачилик ва енгил сановат ҳамда санъат институтлари туманда жойлашган. Ҳар йили уларни миң-миңглаб талабалар битириб чиқилади.

● ТУМАНДАГИ 9 та поликлиника ва 8 та касалхона шифоталаб беморлар дардига малҳам шифокорлар хизматидан аҳоли мамнун.

● БУГУНГҲУ кунда яқкасаройлик нафақақўрлар сони 20197 кишини ташкил этади. Жумладан, улардан 13867 таси аёллардир. Ушбу нафақақўрларнинг ижтимоий ҳимоялаш ҳамниша туман ҳокимлиги ва улар ишлаган сановат корхоналари, курилш вашилотлари, муассаса ва идораларнинг эътиборида бўлиб келмоқда.

● ТУМАНДА 50 та маҳалла жойлашган. Улардан энг йириклари Абдулла Авлоний, Яқкасарой, Юнус Рақабий маҳаллаларидир. Бугунги кунда биргина Абдулла Авлоний маҳалласида 3000 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

● ЯККАСАРОЙ умумий овқатланш акционерлик концерни ҳисобида 230 тадан ортиқ ошхона мавжуд бўлиб, уларда 1500 дан кўпроқ ошпаалар ишлагади. Ошхоналар орасида «Маърифат», «Мовий гўмба», «Наврўз» емакхоналари динқатта сазовор.

(Яқкасарой тумани ҳокимлиги иқтисод ва статистикани мувофиқлаштириш бўлими маълумотларидан).

● Яқкасарой тумани янгиликларини «Тошкент оқшом» муҳбири Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ таъбирлади.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

- Тошкентда бўлиб ўтган республика сазавоткорлари, бозоронлари, соҳибкорлари ва қайта ишлаш корхоналари ходимларининг кенгашида Узбекистонда яшовчи ҳар бир кишини сазовот ва хуштам мевалар билан қандай қилиб мўл-кўл таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.
- Узбекистон Республикаси ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида имзоланган келишувга мувофиқ Американинг тинчлик корпуси кўнгиллиларидан бир гуруҳи Қашқадарь вилоятида иш бошлади.
- Кеча Тошкент аэропортига Германия Федератив Республикасининг «Люфтганза» авиаконпаниясининг А-360 аэробуси келиб қўнди. Бундан буюн бу авиаконпаниянинг самолётлари Тошкент — Франкфурт йўналиши бўйлаб ҳафтанинг сешанба ва шанба кунлари йўловчиларни ташийди.
- Хоразмда йилга 5 миллион дан ортиқ чинни буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган чинни заводи қурилиши бошланди.
- Чирчиқ трансформатор заводида яна бир янги маҳсулот турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Фарҳод» деб аталувчи насос 40 метргача бўлган қудуқлардан сувларни чиқариб беради.

ҲАМДУСТЛИКДА

- Кеча Кремлда бир гуруҳ халқ депутатларининг илтимосига кўра Россия Федерацияси Президент Борис Елцин билан учрашув бўлди. Унда ўз ишнин тугаллаган халқ депутатлари сўзди яқунлари муҳокама этилди.
- Грузия Вазирлар маҳкамаси кеча ўз қарори билан 5 апрелдан эътиборан республика ҳудудида миллий банк купонларини муомалага киритишнинг хабар қилди. Бу купонларнинг қиймати Россия рублига бирга бирдир.
- Олмаотада очилган Қозогистон Олий Кенгашининг биринчи сессияси кун тартибига етмишдан зиёд масалалар қўйилди.
- Бишкекда Қирғизистон Фанлар академиясининг йиллик йиғилиши очилди.

Футболни янада ривожлантириш учун

КЕЧА Тошкент шаҳар футбол федерацияси янги ташкилий пленуми бўлиб ўтди.

Пленуми Узбекистон Республикаси футбол федерациясининг биринчи вице-президенти В. П. Қазимов очди.

Пленумда шаҳар футбол федерациясининг раисини таъинлади.

Камасининг «Узбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадибирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазибалар кўриб чиқилди.

Пленумда Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков бир овоздан шаҳар футбол федерациясининг раисини таъинлади.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

* Газетанинг шу сонига

ТОШКЕНТДА ГЕРМАНИЯ ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛДИ

Кеча Тошкентда Германия Федератив Республикаси элчихонасининг расий очилиш маросими бўлди.

Германиянинг Узбекистондаги факулдада ва муҳтор элчиси Карл Хайнц Куна бундан бор-йўғи бир йил муқаддам Узбекистон Республикаси Президент Ислоом Каримовга ишонч ёрликлари топширилганлигини таъкидлаб, бугун элчихонанинг очилиш муносабати билан ўз фаолиятларининг бундан буюн янада фаоллашуви имкониятлари пайдо бўлганлигини айтди. Шу нарса қувонарлики, деди у, элчихона очилиши Германиянинг «Люфтганза» авиаконпанияси ва «Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконпаниясининг Тошкент — Франкфурт — Тошкент янги йўналишини очишга тўғри келди.

Жаноб элчи ҳозирги пайтда Узбекистон Республикаси Президент Ислоом Каримовнинг Германияга қилдиган таширфига таъбирларини қўрилаганига тўхтади.

Германия элчихонаси очилиш маросимида Узбекистон Республикасининг ташир ишлар вазири С. Сафоев, Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакиллари, чет эл ваколатхоналарининг раҳбарлари ҳозир бўдилар.



СУРАТЛАРДА: Тошкентда Германия элчихонасининг очилиш маросимида давҳалар. Рустам Шарипов суратлари.

ХАЛҚИМИЗНИНГ бирор тадбири, маъракаси ёки кундалик турмушимизни нонси тасаввур эта олмаймиз. Чунки, истеъмолимизнинг асосийи нондир. Буни яхши англаган шахримиз новвойлари кунни-тунига улаб меҳнат қилаётганлар. Ҳатто, улар байрам ва дам олиш кунлари ҳам ишлаб, дастурхонимизни иссиқ нон билан таъминлашга эришяптилар.

Ишнинг кўзини билган, насбига моҳир новвойларимизда келажакка комил ишонч пайдо бўлапти, — дейди 3-нон корхонасининг тайёр маҳсулотлар тақсимо-ти бўлими бошлиғи Ҳамидулла Ҳужаев. — Негаки, бозор иқтисодиётига боғичма-боғич ўтиш жараёнидаги иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳам корхонамиз цехлари ҳамда уларнинг жойлардаги филиаллари бирор дақиқа тўхтаб қолмади. Муштариф давлатимиз раҳбария-тининг ғамхўрлиги туфайли нон ва нон маҳсулотли иш-лаб чиқарувчи корхоналарга ун муттасил етказиб бе-рилмоқда. Бундан руҳланган корхонамизнинг 4 та це-хиди ҳамда Сергели ва Қўйлиқ даҳаларидаги новвой-ларимиз нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, унинг сифатини таъминлаш-га интилоқдалар.

Нон-ризқ-ризимиз

ИШ КЎЗИНИ БИЛИБ

Ҳа, ҳақиқатан ҳам корхона жамоаси шу кунларда юксак унум билан ишламоқда. Айниқса, ХДП аъзоси Ҳасан Қосимов бошлиқ цех новвойлари кунига мўлжалдаги 56 тонна урнига 57-58 тоннадан олий навли ундан бўлган юқори сифатли нон тайёрлашга эришмоқдалар. Шу цехга қарашли ширин нон қаламчалари тайёрловчилари ҳам маҳсулотни кўпайтиришда сурыат ва сифатни таъминлашапти. Натигада кунига 1 тонна урнига шахримиз озиқ-овқат дўконларида 1,2-1,4 тонна ширин нон қаламчалари етказиб берилмоқда.

Илгорлардан иборат олган бошқа цехлардаги новвой-лар ҳам ўз иш жойларида кўтаринки руҳда меҳнат қи-ляпти. Шунинг учун корхона бўйича кунига 85-90 тонна атрафда нон тайёрланишга эришмоқда. Бун-нинг тўртдан бир қисми халқимизга севиб, шифобахш неъмат сифатида истеъмол қиладиган қора нондир.

Корхона жамоаси асосан Сергели, Янкасарой туман-лари ва Миробод туманининг бир қисм аҳолисини нон билан таъминлайди. Шаҳар бўйича қора нон (иржана) билан таъминлаш ҳам шу корхона жамоаси ўз зим-масига олган. Бу юмшувчи ҳамир қорувчи Зинаида Берникова, нон пишувчи Нурига Аманжурова, нон тахловчи Воҳид Тўйчиев, ун автомашиналарга юклов-чи ва ташувчи Анвар Зокиржон, Неъмат Соатов ҳам-да уларнинг ҳамкасблари сиқидиқдан удалашмоқда.

Барча юмушларини бошда ташаббускор ва тад-биркор бўлиб турган корхона партия ташкилотли ҳамда унга уюшган 17 нафар аъзоларидир. — дейди завод бош муҳандиси Мақсуд Файзиев. — Уларнинг нафрат-лари туфайли ҳар инқилаб сменда ҳам агрегатлар тўхтосига ишляпти. Бош механикдан тортиб, смена ўстасигача партия аъзоси бўлганлиги насбига нисбатан, ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз сифати учун масу-лиятни аниқлаб охириш, талабчанлигини кучайтириш им-кониятини яратди. Иқисоди партия ташкилотли маъму-рият юмушини анча енгиллаштирмоқда.

Дарҳақиқат, новвойлар ўз касбини ардоқлаётган экан, биз муқаддас ризқ-ризимиз бўлган нонни қадрла-гадек, уларнинг яратувчилари ҳисобланган новвойлар меҳнатини ҳам аъзолашимиз зарур. Нонга нечоғлик яхши муносабатда бўлса, новвойлар хизматида ҳам шу қадар инсоний ҳурматда бўлишимиз лозим. Чунки, новвойлар кечаноқундўз тиним билмайдилар. Чунки биз оролётганда ҳам улар меҳнат қилиб, эрта тонг-да дастурхонимизга иссиқ нон етказадилар-да.

Худойназар ҒОНИВОВ.



СУРАТДА: 3-нон корхонасининг Ҳасан Қосимов бош-лиқ цех жамоаси тайёрлаган маҳсулотлардан намуналар аке этирилган. Муаллиф сурати.

ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШ

БУГУНГИ кунда электротех-ника халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ўзига кенг йўл топишмоқда. Шу сабабли физика-нинг бу истиқболли йўнали-шига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Фанининг шу соҳаси билан шуғулланган мутахассислар педагог ва талабаларга қўлай-лиқ таълим мақседида элект-ротехникка доир янги қўла-лангани босмага тайёрлашган

Алқаб АЛИЕВ.

Утган йилнинг декабри ойида Ўзбекистон Республикасини Вазирилар маҳкамаси 1993 йилда республика исте-ъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида мах-сус қарор қабул қилган эди. Унда ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолини энг зарур моллар бил-дан барқарор таъминлаш, шунингдек, уларни кўпоналар бў-йича сотишни мувайн тартибга солиш каби муҳим масала-ларни ҳал қилиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Шу кунларда республикамиздаги мутасадди ташкилотлар ушбу қарор икроси устидан назорат ишларини олиб бормоқ-далар. Жумладан, пойтахтимизнинг Бектемир туманида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Биз булар-да ушбу қарорнинг икроси қандай бахарилаётгани билан қизиқдик. Бу ҳақда Бектемир туман давлат назоратчиси Мавлон ЯУЛДОШЕВга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Мавлон Шукрорвич, Ўзе-бекистон Республикасини Вазирилар маҳкамасининг республика исте-ъмол бозорини ҳимоя қи-лиш тўғрисидаги қарори ба-жарилишини назорат қилиш борасида район ҳудудига қандай ишлар амалга оши-рилмоқда?

— Республика ҳукумати ушбу қарорнинг икросини тежирати мақседида Давлат назорати Бектемир туман инспекцияси шу йилнинг январь-февраль ойларида район мар-казий банки ҳодимлари билан биргаликда 40 тага яқин қар-хона ва ташкилотларда, жум-ладан Бинокор шаҳарчасидаги 7 та қорхона ва ташкилотда тежирати ўтказди. Шу билан бирга туман ҳокими раҳбар-лигида ушбу қарорнинг ба-



Шарофат Отабоева шахримиздаги айқил тонг тиқувчилик иш-лаб чиқариш бирлаш-масида 24 йилдан бе-ри ишлаб келади. У шу йиллар мобайнида ўз-ининг самарали меҳ-нати билан жамоада ҳўрмат топди.

Файзулла Мирзиётов эса Тошкент савдо ин-ҳўзлари корхонасида мана 8 йилдирки сам-арали меҳнат қилиб ке-лади.

СУРАТЛАРДА: Ша-рофат Отабоева (чап-дан) ва Файзулла Мир-зиётовлар.

Андрей Пищенко суратлари.



«О ҳали яқиндагина биз «Мотор» газетасини трам-вай-троллейбус бошқарма-сининг наشري сифатида би-лар эдик. Яқинда, тўғри-роғи, Наврўз байрами ара-фасида «Мотор» газетаси ўзининг янги қўбасини кўрсатди: у Тошкент ша-ҳар пассажир транспор-ти корхоналари давлат ую-масининг наشري сифатида чоп этила бошлади. «Оқ-шома» муҳбири дафтарема-нинг бош муҳаррири, ис-теъодли журналист Анвар АЛИМОВга мурожаат қи-либ, ундан бир неча савол-ларга жавоб қайтаришни сўради.

— Анвар ака, транспортчи-лар учун яна бир газета чиқари-лишини заруритини йнамад деб билсангиз? Ахир газетон-ларга «Ўзбекистон автомобил-чиси» — «Автомобилист Ўз-бекистан» газеталари яхши танишқу.

ҚАЙТАДАН ТУФИЛГАН «МОТОР»

«Ўзбекистон автомобил-чиси» — «Автомобилист Ўз-бекистан» газеталари собиқ «Мотор» газетасининг назри сифатида та-биийки Тошкент шаҳри пасса-жир транспорти муаммолари-ни ўз саҳифаларида кенг ери-та олмас эди. 1929 йилдан Тошкентда чоп этилиб кели-наётган «Мотор» газетаси ке-йинчалик трамвай-троллейбус бошқармасининг газетаси си-фатида транспортнинг ана шу туридаги ва ишдаги масала-ларни ертиди. Эндиликда у автомобилчиларнинг, метро-политен ходимларининг газе-тасига айланди. Бу соҳада қар-иб ўттиз минг киши меҳнат қиладди. «Мотор» икки милли-ондан ортиқ аҳолига эга бўл-ган шаҳарда йўловчиларни маънавиятга этлиб қўётган ва ҳаракатли составининг техник жиҳатдан риволударга эри-лишини таъминлаётган ходимлар-нинг газетаси бўлиб қолди.

— Шаҳар пассажир транс-порти уюмасининг ўзи ҳақ-ида ҳам бир-икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— 1992 йил июнида ушбу уюшмани ташкил этишдан мақ-сад йўловчиларга хизмат кўр-сатишни бундан буён янада яхшилаш эди. Чунки шу пай-га қадар мавжуд бўлган у-га та маҳкама (Тошкент шаҳар пассажир транспорти, трам-вай-троллейбус бошқармаси, метрополитеннинг ҳар бири фақат ўз манфаатини кўзлаб иш кўради. Пойтахтимизнинг ҳамма бурчиқлари ва унга ту-таш бўлган жойлар транспорт воситаси билан таъминланмаган эди. Агар автотранспорт ор-тиқда эриқиларга билан иш-лаган бўлса, метро юз минг-ла йўловчиларни маънавиятга этлиб қўётган эди эмас эди. Шу жиҳатдан олганда ушбу уюшмани ташкил эти-лиши ер усти ва ер остидаги шаҳар пассажир транспорти иш-ини янада аниқ мувофиқ-лаштириш имкониятларини очиб берди. Шунингдек, бу қадар ҳаракатнинг мезбурини яхшилаш, йўловчилар оқимини тартибга солиш, ҳаракат сос-тавини марказлашган асосда йўлга қўйиш, эҳтиёт қисмлар, аниқли билан таъминлашни ях-шилаш ҳам муҳим омил бўлди. Бу ўринда битта ми-сол келтириш ўринлидир. Рес-публика ҳукумати томондан уюшмага ажратилган кредит-лар эвазига Жанубий Ко-реядан дастабки туркумдаги автотраслар, трамвай вагонла-ри, троллейбуслар, метро ва-гонлари, эҳтиёт қисмлар со-тиб олинди.

— Анвар ака, «Мотор» га-зетаси ҳозир қандай нусхада чопилапти?

— Ҳозирча «Мотор» 20 минг нусхада чоп этиляпти. Унинг ҳажми сканис саҳифа-дан иборат. Газета шаҳар транспорт корхоналари хо-димларига мўлжалланган бў-либ, улар ўртасида тарқати-лади. Чунки «Моторнинг ўз-олига қўйган бош мақсади шаҳар транспорт корхоналари ҳаёти ва феолиятини, бозор иқтисодиёти шароитларида кундан-кун бўлаётган тўб му-аммоларини, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш масалаларини ери-тидир.

Тажрират намоси ва газе-та шаҳар йўловчилар транс-порти барча ходимларининг энг яқин ёрдамчилари бўлиб ишларини кўради ва шунга нитилган: Бинокор, Бў-борада уюшма раҳбарини му-набатларини сармақсул иш-да қилишлари учун бугун шарт-шароитларини яратиб бе-раётганликларини ҳам алоҳи-да таъкидлаб ўтмоқчиман.

Сўзбатадош Мўҳиддин БОЗОРОВ.

Сўзбатадош Санда БОТИРОВ.

ОСАКА шахридаги «Санъэй сеэзи» компанияси гуруҳининг президенти жаноб Э. Нисикава бошчилигидаги япон ишбилармон-лари делегацияси «Шарқ» наشري-ёт матбаа концернининг меҳмон-и бўлди. Концернининг бош директо-ри Ислон Шогўломов муҳандис-техниклар билан делегация аъзо-ларининг учрашуви чоғида Ўз-бекистонда матбаачиликнинг тар-рақийети ҳақида, улкан корхона-нинг ишлаб чиқариш салоҳияти тўғрисида, унинг ижтимоий-мада-ний бўлиналари ҳақида батафсил сўзлаб бериб, концернида япон жиҳозларидан ҳам фойдаланилаёт-ганлигини таъкидлади.

Эйқити Нисикава иккинчи жа-ҳон урушида қатнашган, квантур армиясида учувчи бўлиб, кейин асирга тушган. Биринчилардан бўлиб, ўз ватани Японияга қўчи-рилган. Ҳозирги вақтда жаноб Нисикава супермаркет тармоқ-ларига, ҳаво компанияси ва бош-қа бир қатор жиҳатларга эга бўл-ган йирик савдо фирмасининг со-ҳибидир.

— Гарчи илгари Ўзбекистон ҳақида кўп эшитган ва унинг бўлам-да биринчи бор Ўзбек за-минига қадам қўйдим, — дейди жаноб Э. Нисикава. — Илг кў-ти олганлигиниздан миннатдор-ман. Сизнинг ўлгангиз мени ўзи-га жуда ҳам мафтун этди. Мен бу ерда худди ўзини уйимда юрган-дек ҳис этмоқдамиз. Меҳмон-навозлигингиз, сизларнинг табас-сумингиз, мен учрашган барча кишилар юзидати табассум бу ер-да дўстлик кўрадати мустаҳкам-лигидан далолат бериб турибди. Кишилар вазиятнинг барқарор бў-

лишига эришганлар, бу нарса рес-публиканинг, унинг ҳукумати олиб бораётган оқил сиёсатини белгилайдиган асосий мезондир. Мен халқингиз ютуқларини ўз кўзим билан кўрдим. Улар ҳам худди японлар сингари жуда диллиш кишилар экан.

Ўзбекистон чет элликлар нилоҳида Эйқити НИСИКАВА:

«АЛОҚАЛАР АМАЛИЙ БЎЛИШИ КЕРАК»

Биз собиқ ҳарбий асирлар бўл-ган япон аскарларининг Янкасарой қабристонидидаги мемориалига бор-дик. Халқнинг юксак маданияти, унинг чин инсоний фазилатлари-нига Ўзбек заминидан япон аскар-ларига шундай мемориали оқиш-дек чин инсоний қадамни қўйиш-га дэвват этган.

Самарқандга ташриф буюрган жаноб Нисикава тижорати сифа-тида кўна ёлдорликларини таъ-мирлашга қанча маблаг сарфлаш кераклигини ҳис этганини таъ-кидлаб ўтди. Усталининг куч-ғайратлари шарофати билан қў-

гина ёлдорликлар, шу жумладан 1966 йилги энгилладан кейин ҳам шундай ёлдорликларнинг тиклан-ганлиги ҳукуматнинг маданий сиёсат соҳасида олиб бораётган ишларига фақат ҳавас билан қа-раш мумкинлигини у алоҳида таъ-кидлади.

Тошкент аъналарга бой бўлган, саноати ва маданияти тар-рақий этган дунёдаги энг буюк шаҳарлардан биридир, — дейди Нисикава. — Мен ҳаётим мобай-нида икки марта Россияга келган эдим. Биринчи бор эса Ўзбеки-стонга ташриф буюрдим. У мени ўзига тамоман мафтун этди. Мен шахрингиз маъмуриятини орқали амалий ҳамкорлик ришталарини ўрнаттишни тақийф этиш ниятида-ман.

Япониядаги энг йирик ишбилар-монлардан бири бўлган меҳмон Япония иқтисодиётини юксалти-

риш муаммолари тўғрисида, Ўз-бекистон билан технология соҳа-сида ҳамкорлик қилиш имконият-лари ҳақида, ўзининг шахсий ҳи-собидаги иқтисодиёт, фан, савдо, қўриқли ишларини бошқариш ти-зимини соҳасида бир гуруҳ мута-хассисларни ўқитиш имкониятла-ри ҳақида сўзлаб берди. У Ўзбек ёшларининг Японияда таҳсил кў-ришига ёрдам бериш истагини билдириди, япон мутахассислардан шаҳардаги корхона ва муассаса-ларда мурабий сифатида фойда-ланиш тўғрисида ўйлаб қўриш тақийфини киритди. Республиканинг мустақилликка эришуви, унинг барқарорлиги ҳар қандай мадад кўрсатишга кенг имконият-лар очди. Москвадаги ваколатхо-намига эғлигимиз босилган, деб қўйишга қийди у, шаҳар маъму-риятининг ёрдами ила Ўзбекистон билан шерик ва сармолачи сифа-тида ҳамкорлик қилиш мумкин. Яъни мустақил ва суверен давлат-имиз Ўзбекистоннинг пойтахтида ваколатхона очиш мумкин. Рес-публика иқтисодий таррақийетнинг ўз йўлини танаб олган, деб таъ-кидлади Нисикава, унинг ишбилар-монлигини юксалтириш бўйича барча имкониятлари мавжуд. Шу жиҳатдан ўзaro манфаати ҳам-корликда, қадрлар таъйирлашда амалий ёрдам кўрсатишга кела-ди. Бу ўринда шунини таъкидлаш керакки, унинг фирмаси заминда собиқ Иттифондан 180 киши унинг ҳисобига таҳсил кўриб ке-лди. Ўзбекистонга ташриф буюрган жаноб Нисикава амалий алоқа-ларни кенгайтиришни тақийф эт-ди.

Эйтибор АБВОСОВА.

Раҳмдил ва меҳр-муруватли бўлайлик ХУШ ҚАЙФИЯТ БАХШ ЭТИШДИ

АЗАЛ-азалдан иуроний кекасалирини эъозлаш халқимиз қон-қонига сингиб кетган. Кўни кеча Собир Раҳимов туманидаги респу-блика уруш ва меҳнат фах-рийлари пансионатида шу ту-ман ҳокимлиги ва Халқ де-монратик партияси туман кенгаши ташаббуси билан азаллий удуларимизга ҳам-ошан Наврўзи олам танта-ларини бўлиб ўтди. Меҳр-муруват, ингиллаш айёми-нинг ҳақиқатан ҳам инсонин эъозловчи байрамга ай-ланиб кетганлигини ҳўрсат-ди 172 қарияга хизмат кўра-ётган маъкур пансионатдаги шодиналар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айём кўни Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги ва ХДП туман кенгаши томонидан фахрийларимиз учун 200 минг сўмлик турли анжон-лар ҳақи қилинди. Панси-онатга кўрсатилётган меҳр-муруват кўмакларининг на-қадар кенглигини унинг ди-ректори Лариса Сахарова

қўйидагича ифодалади: — Халқро хотин-қизлар кунидан кейин деярли ҳар кўни бизда байрам десам муболага бўлмайди. Чунки, туманимиз ҳокимлигидан ташқари «Совпластга» қўшма корхонаси, «Наврўз» хайрия жағмармаси қошида қичиқ корхоналар, «И-сон» киностудияси, «Ми-нонд» заводи ва бошқа муас-сасалар бизда ўзларининг беимнат ялганларини ая-манлашган. Уларнинг муру-ватларидан кўнлимизга тодек кўтарилади.

Шу кўни тумандаги бола-лар ва ўсмирлар ижодий маркази қошидаги бадий ҳаваскорлик тўғраги аъзо-ларининг раис гулдасталари, 111-мактаб ўқувчиларининг театрланган қўйишлари бир-оз бўлса-да кека отахон ва онахонларга хуш қайфият бағишлади.

— Туман ҳокимлиги билан бирга 300 нафар икрос иш-лабди кишиларга 1000 сўм-дан ёрдам пули, 22 нафар

натидатларини, умуман, бар-ча ночор ва қаровчиси йўқ ёлғиз қарияларни ҳар томон-лама ҳимоялаш, уларнинг кўнгилиларини кўтариш, мод-дий ва маънавий мадад бе-риш учун иборатли ишлар давом этмоқда. Бу эса рес-публикамиз Президенти ва ҳукуматимизнинг чекисиз ғамхўрлигидан далолатдир.

ЭРИН ЭСИРАТДИЕВ.

СУРАТДА: уруш ва меҳнат фахрийлари панси-онатида ўтган тадбирдан лав-ҳа.



Баҳор байраминингиз мўлжалда бўлди.

хизматчиларга тарқатиш тар-тиби кўпоя равишда бузили-ганлиги тежиратишлар нати-жасида маълум бўлди. Яхши-си яриқ мисолларга муро-жаат қилайлик.

Тошкент вилояти матбуот жамаиятига қарашли ремонт-механика комбинати ташкило-тида ишчи-хизматчиларга янги

Бириччи навбатда муҳандис-техник ходимларини таъмин-лаш, колганни ишчиларга тар-қатишган. Бундан қарорда қў-йилган муддатлар ва шкале-ларга риоа қилинмаган, энг уй қўриш комбинатида ҳў-қуматнинг бу қарори умуман йўқ. У навбатда қарорнинг бажарилишини таъминлаш мақ-

часи ҳудудига жойлашган бир қанча корхоналарда ҳам маъ-кур қарордаги кўрсатмаларга тўлалигича риоа қилинмаган-ни аниқланди. Масалан, 1-мах-сус қишлоқ ходимлари учун уй қўриш комбинатида ҳў-қуматнинг бу қарори умуман йўқ. У навбатда қарорнинг бажарилишини таъминлаш мақ-

жарилай қолмапти. Бектемир туман савдо тар-диқларида ҳам кўпоналар бў-йича олиб борилаётган иш-ларни кўнгидагидек деб бў-лмайди. Масалан, бэзди дў-конларда, аҳоли қорғозидан бутунлай бошқача бўлиб чи-қди. Яъни режада, қорғозда кўрсатилган кўпоналарнинг со-нида амалдагиси бирмуноча камлиги маълум бўлди. На-тижада тумандаги ҳар тўртта дўкондан биттаси кўпон топ-шириш режасини бажармаган.

Хуллас бунга ўхшаш камчи-ликлар кўпубо корхона ва ташкилотларда ҳам кайд қи-линди.

— Мавлон Шукрорвич, сиз икросида айтиб ўтган, ҳў-қумат қарорини бажаришда кў-поя хато ва камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисба-тан жазо чоралари кўрилад-ми?

Бектемир туман давлат назорати ушбу тежиратиш ишларининг туман ҳокими билан биргаликда мувофиқлаш-тириш кенгашининг кенг айти-рилган мажлисида кўриб чи-қди. Бириччи навбатда, умуман шу мақсадда йўл қўйилган камчиликларини таъдид бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Шу билан бирга бу соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун бэзди шахслар юқори раҳбар орган-

Давлат назорати ташкилотларида НУҚСОНЛАР БАҲАМ ТОПАДИ

кўпоналар бир неча баробар раҳбарлари ва ҳисобчилари-нинг айби билан ҳар икки нафар ишчидан фақат бир кишигагина кўпон берилган, ҳоло. Бунинг устига мейвара кўрсатилган 1100—1200 сўмлик кўпон ўрнига 500 сўмдангина тарқатилган.

Шунингдек, 15-автотранс-порт корхонаси, қурилиш ма-териалларини ишлаб чиқариш комбинати, 2-автобаза, 3-мах-сус механизациялашган кўча колонна, 1-максус уй қўриш комбинети ва Бинокор шаҳар-

сақида корхона раҳбари то-мондан ҳам ҳеч қандай бўй-руқ берилмаган. Кўпоналар раҳбарлар ва муҳандис-тех-ник ходимларга эса 1000 сўмдан тарқатилган. Ҳужжатлар тежиратиш вақтигача ҳам апила-мади. Кўпоналарини савдлаш хо-лати ҳам талабга жавоб бе-рмеди. Юқорида келтирилган ҳолатлар савдо тармоқларига ўз салбий оқибатларини кўрс-атди. Кўпон етишимлиги не-тижасида савдо тармоқларига белгиланган кўрсаткичлар ба-

жарилай қолмапти. Бектемир туман савдо тар-диқларида ҳам кўпоналар бў-йича олиб борилаётган иш-ларни кўнгидагидек деб бў-лмайди. Масалан, бэзди дў-конларда, аҳоли қорғозидан бутунлай бошқача бўлиб чи-қди. Яъни режада, қорғозда кўрсатилган кўпоналарнинг со-нида амалдагиси бирмуноча камлиги маълум бўлди. На-тижада тумандаги ҳар тўртта дўкондан биттаси кўпон топ-шириш режасини бажармаган.

Хуллас бунга ўхшаш камчи-ликлар кўпубо корхона ва ташкилотларда ҳам кайд қи-линди.

Мавлон Шукрорвич, сиз икросида айтиб ўтган, ҳў-қумат қарорини бажаришда кў-поя хато ва камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисба-тан жазо чоралари кўрилад-ми?

Бектемир туман давлат назорати ушбу тежиратиш ишларининг туман ҳокими билан биргаликда мувофиқлаш-тириш кенгашининг кенг айти-рилган мажлисида кўриб чи-қди. Бириччи навбатда, умуман шу мақсадда йўл қўйилган камчиликларини таъдид бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Шу билан бирга бу соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун бэзди шахслар юқори раҳбар орган-

Сўзбатадош Мўҳиддин БОЗОРОВ.



ШУ йил 17 март кунин Юнусобод туманидаги «Отчопар» маҳалласидаги клуб одамлар билан ниҳоятда гажум бўлди. Бу ерга маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролари, туман ҳокимияти вакиллари, прокуратура, шаҳар Ички ишлар босқармаси ва Юнусобод туман Ички ишлар босқармаси раҳбарлари тўпланишди. Бу ерда нима гап бўлган экан? — деб қизиқётган бўсангиз керак. Аввал хабар берилганидек, 11 март кунин Тошкент шаҳар Ички ишлар босқармаси ходими, милиция лейтенанти Абдусамат Ғуломов кечкурун соат 8.00 ларда ишдан қайтар эди. У машинасини гаражга қўйиб, уйига қираётган пайтда девор орқасидан ўқ овози эшитилди. Одамлар қий-чув қила бошладилар. Абдусамат дарҳол кўчага отилди ва бир тўда йигитлар номаълум шахс орқасидан қўвиб кетаётганларига кўзи тушди. Номаълум шахс кўйида эса тўпонача бор эди. Бу аснода А. Ғуломов қочётган шахс Кутанси шаҳридан келган, 1968 йилда турилган, ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўймайдиган «саёҳатчи» знаилгини, у 7-таксопарк ҳайдовчисига нарочиларча кўролли хўжум қилганлигини билмасди. Ҳайдовчи бу шахсни пойтахтнинг Юнусобод туманидаги «Отчопар» маҳалласининг Гвардеец кўчасига олдий минос сифатида олиб келган эди. Бироқ бу номаълум шахс ҳайдовчига пул бериш ўрнига қўйида 9 миллиметрли Макаров тўпонасини олиб унга ўтди. Транспорт воситаси эгасидан барча пуллари унга беришни талаб қилди. Ҳайдовчи унга қаршилиқ кўрсатмади. Ҳар қандай киши ҳам биров пешонасига тўпонача ўтатила турганини кўрганда унга бирданга қаршилиқ кўрсата олмас керак. Ҳайдовчидан барча топган пуллари ва унинг ёнидаги 7 минг сўмга яқин шахсий пуллари тортиб олган жиноятчи чета бошлади.

* Тафсилотларини маълум қиламиз ЖАСОРАТ УЧУН МУКОФОТ

Ҳайдовчини эса кўролли хўжумга учраганидан ва бунинг учун ўч олиши кераклиги ҳақидаги фикр-ўй тарқ этмади. Жиноят содир бўлган жойдан сад нарироқда шу маҳаллалик бир неча ишлар суҳбатлашиб ўтиришарди. Таксичи ўзига келиб олгандан сўнг автомобилни тўғри ўша йигитчалар томонга бурди ва уларга бўлган воқеани тушунтирди. Йигитлар худди буйруқ билан оёққа қалқгандек дарҳол жиноятчи изидан кува бошладилар. Жиноятчи шахс унинг изидан қўвиб келишга тганини кўргач, ўз кўроллини ишга содди. У икки марта кетма-кет ўқ узиб, уни қўвиб келатган йигитлардан икки нафарини ярадор қилди. Абдусамат бу жиноий воқеани сезгач, у ҳам жиноятчи изига тушди. Агар уни тўхтатиб қолнимаса бундан ҳам кўпроқ фалокат содир бўлишини яхши тушунарди. «Кўролли ташла», — бир неча бор буйруқ берди милиция ходими. Жиноятчи эса бунга парво қилмади. «Ҳеч ким яқин бормасин», — яна буйруқ берди Абдусамат. Шу дақиқада қўвиб бораётганлар орқасидан жиноят содир бўлган ўша «такси» пайдо бўлди. Машинада ёш йигитларни қўвиб етиб, ҳайдовчи жиноятчини деворга қисиб қўйишга ҳаракат қилди. Жиноятчи ўзини йўқотиб қўйди. Бу эса милиция ходими учун жуда зарур ва қўл келадиган ҳолат эди. А. Ғуломов машина устидан сакраб ўтиб, қароқчини мақкам ушлади. Икки ўртада қаттиқ оғлашув бошланди. Яна икки марта узилган ўқ товуши эшитилди. Бироқ Абдусаматда бу ўқлар тегмади. Олишувда жиноятчини ерга қўлатганда у обидан қаттиқ ярадор бўлди. Лекин бу уни тўхтата олмади. У жиноятчининг қўлидан тўпоначага олиб, қўлга олишга эришди. Каттиқ гажабланган маҳалла аҳли қароқчининг жонидан жудо қилинша ва унинг устидан ўзлари хўжум қиларига тайёр эдилар. Лекин Абдусамат ва уларга ермагач келган бир неча нафар қариялар бунга йўл қўйишмади. Бир неча дақиқадан сўнг жиноят содир бўлган ерда Юнусобод район Ички ишлар босқармасининг милиция соқчилари етиб келишди. Ана шу воқеа тўғриси «Отчопар» маҳалласи аҳли клубга тўпланиган эди. Бунга қарангич, ярадор бўлган ишлар ҳам Абдусаматнинг қариндошлари экан. Улар Абдусамат Ғуломов ва 117-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Баҳром Рихиевлардир. Жиноятчи изидан қўвиб бораётган йигитлар шаҳар ички ишлар босқармаси раҳбарияти томонидан стереоманитрофонлар ва пул мукофотлари билан мукофотландилар. Кўролли жиноятчини қўлга олишда ердам берганликлари учун улардан кўпчилик миннатдор бўлди. 7-таксопарк ҳайдовчиси А. Ашрафхўжаев ҳам фотоаппарат ва пул билан рағбатландирилди. Милиция лейтенанти А. Ғуломов бу тантанавда иштирок эта олмади. У шифохонада даволанмоқда. Пойтахт Ички ишлар босқармаси раҳбарияти номидан Абдусаматнинг ота-онасига «Астра» стереоманитрофон топширилди. Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан жиноятчини қўлга олишда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун унга музлатчи совға қилинди. Ана шу кунин Ғуломовлар oilаси номига кўплаб илтифат сўзлар айтилди. Бу эса республикада жиноятчиликка қарши ички ишлар идоралари ва жамоатчилигининг ҳамкорлигиде кўраш бошлаганининг ёркин далили ҳамдир. **Радиқ СОЛИБЕВ** Тошкент шаҳар Ички ишлар босқармаси матбуот шўбасининг ходими.

ГИВАНД Л И К Н И Н Г қанчадан-қанча хонадонлар ни барод қилиб, кишиларнинг ҳаётига зомин бўлаётганини ташкиллаб, ўтиришга ҳужат бўлмас керак. Ҳозир бунинг жаҳон миқёсида макуру иллатга қарши кураши кетаяпти. Бироқ кўриляётган барча чора-тадбирларга қарамай гивандлик моддаларининг ноқонуний сандоси тобора ривожланиб, ўзининг муҳтими тўғриси ёймоқда. Унга эса асосан жаҳоннинг илтимоси келмагани бўлиши ёлларимизга илтифатир. Ҳа, кўнорин ўсимлиги кимларидир беқисс равшанда бойитиб юборса, бошқаларини дахлатли кулфат томон етаклайди. Узоққа бормайлик, шу йилнинг фақат ўтган икки ойи мобайлинда гивандлик моддаларини сотиш ва олишда айбонлиб 259 киши қўлга олинган. «Февраль ойининг шабаба кунларидан бири. Метронинг «Ойбек» станциясида бир йигитнинг бежо ҳара-

— Ҳой, эшитдингизми, Чилонзорда кўза кўринмас одам пайдо бўлибди. У куппа-кундузи ё эшикни очиб, ё деразани синдириб кириб келармишу, ўзига керак нарсаларни ўмариб чиқиб кетаверар эмиш, лекин уни ҳеч ким кўрмасмиш... — Э, қўйсангизчи, бунақа лоф гапларни! Одамларга ҳам ҳайрон қолсан киши. Гоҳ кўза кўринмас одамни тўғри чинаришари, гоҳ қор одамни ўйлаб топшари, гоҳ учар ликоччалару ўза сайраликларни кўриб қолишари. — Лекин бунингга шикоятнаверин, ҳақиқат, — деб суҳбатга қўшилди. Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг иссиқлик физикаси бўлими ходими М. Мирзаевом. — У 405-хонага онани синдириб кириб Японияда ишлаб чиқарилган «Санно» — 1500 магнитфон ва унинг насасетини, сумка, сигарет, қоньяк ва бошқа муҳим қўл кўриб кетди. Бироқ ҳеч кимнинг кўзига кўринмабди. — У бизникига ҳам келди, — деб гапни илтифат билан 11-мавзедани 9-йида яшовчи Р. Устаева. — Ертуламизга деворни тешиб кириб 60 ширша арақ, 6 ширша кўнхўдат, 4 ширша тузланган помидор ва бошқа нарсаларни ўмарди. Ажабланишарми шунданки, у бу ишни куппа-кундузи кўриб қолган ҳам ҳеч ким кўрмасди. — Худди шунақа ҳолат менинги ишхонамда ҳам содир бўлди, — деди бундан бери сукут сақлаб, бошқаларнинг гапини эшитиб ўтирган 42-дўноқ мулдирини Н. Хасанова. — У дарвозага ўрнаштилган фанерни олиб қўйиб тўғри менинги хонамга кирди. «Электроника» ҳисоблаш машинасини олиб чиқиб кетди.

* Жиноят жазосиз қолмайди «КўРИНМАС ОДАМ» ҚўЛГА ТУШДИ

Одамлар оғзиде эса дувдуд гап. Ундан ташқари яна мип-миш кўп. Ҳар ким ўзича кўза кўринмас одам ҳақида ҳар хил гапларни очиб тўқийди. — У қўлнинг текиса, ҳатто металл ҳам эриб кетармиш... Яқинда 20-мавзедани 21-гаражга кирибдию ҳеч нарсаси олиб чиқиб кетди. Афтидан бирор нарсани илдий жихатдан ўрганатган бўлса керак. Лекин шундоқ десам 5-автомобилларни қўйиш жойига киргач, қуруқ чиқиб кетмабдики! — Ҳа, рост айтдингиз. У чиндан ҳам нималаридир турган жойида илдий жихатдан ўрганайти, баъзи нарсаларни эса олиб кетаяпти. Агар шундоқ бўлса у ўзага сайёралик одам ё олиб, ё ўта кетган пасткаш, сурбет, талоччи. Бўлмаса А. Навоий номили болалар уйдан 12 килограмм товۇқ туштию 4 килограмм сарғени олиб кетармиди. Наҳотки, етимлар ҳақидан ҳам кўрмасми?



Милиция фаолиятида тезкорлик, ҳар қандай чинал шоритда ҳам зудлик билан тўғри ва аниқ қарор қабул қилиш каби хўсусиятлар олдинги ўрнларда туршиш лозим. Аниқси, жойларда хўжум вази-фасини ўтаётган ходимлар билан муна-зам равишда алоқа боғлаб турши тезкор-ликнинг муҳим шартларидан биридир. Бу эса кўплаб ноҳуш ҳолатларнинг олдинги

ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

БЕКТЕМИР туманида ичкиликбозлик, гивандликка қарши кураш комиссияси ташкил қилинди. Ушбу комиссиянинг раиси этиб ҳоким муовини Хайринисо Мирзаёнов таъинланди. Биз у билан учрашиб комиссиянинг умумий фаолияти ҳақида қисқача маълумот беришини илтимос қилдик. — Жанитимиздаги энг ярамас ил-латлардан ҳисобланган ичкиликбозлик ва гивандликка қарши кураш комиссиясининг аъзолари санин кинишдан иборат, — дедди Хайринисо Холматовна. — Улар орасида турин насоб ағалари бор. Жумладан, район ички ишлар бўлими, соқилни сақлаш бўлими қодимла-ри, маҳалла комитетининг вакиллари ва кўролларнинг илчи-техник қодимлари ҳам комиссияга тартибдан киритилган. Энди амалда ошқаридил ишлар мас-ласига келганда аввало шунга айтиш ке-ракки, комиссияга ўзининг умумий

Ана шу сўнгги «утакетган пасткаш, сурбет, талоччи» деган гапда жон бор эди. Худди шу боис ҳам милиция ходимлари унинг изига ту-шишди. Узоқ излаш, меҳна-ту машаққатлардан сўнг тез кунда бутун туманга маш-хур бўлиб кетган «кўринмас одам» кўлга тушди. Қанча текшир-текширу тинтувлар-дан кейин унинг ҳақиқий қиёфаси очилиб, кимлиги маълум бўлди. «Кўза кў-ринмас» одам 1978 йилда турилган тирранча Ренат Абдуллаев экан. Тенин лўкмага рўж куёиб, ўғир-ликини ўзига насоб қилиб ол-ган Ренат ҳали баалоғат ёши-га етмаган Игорь Доллодок, В. Цирюларни ҳам йўздан уриб, ўзига шерик қилиб олган эди. Яқинда Чилонзор тумани халқ суди биносида судья Улугбек Абдуллоев расилла-рига унинг ва ҳамтоволари-нинг қилмишлари аъзадан ўтказилиб, атиги бир ярим ой ичда 14 жойдаги ўғирли-гига яраша «мукофот» бе-рилди. Ренатнинг ёшлага ҳисобга олиниб, уч йилга овозлиқдан маҳрум этишга, ундан ўғирлаб «сув қилиб» юборган барча нарсалари-нинг қийматини жабрдида-ларга ундириб беришга ҳўжм этилди. Унинг кетидан ер-ғиш жиноятга қўл ўрган бошқа тирранчалар ҳам тегишли жазосини олди. Лекин асосий гап бунда эмас. Бизни ҳали ўн гулдан бир гули ҳам очилмаган бу болаларнинг ўзаро уюшиб, ўғирлик йўлига кириб кет-ганлиги ташвишлантиради. Наҳотки, шунча иш қилиб эл-юртга овоза бўлганга на-дар уларнинг ота-оналари қўн-қўнлилари, ўқитган мактабда маҳалларидида-лар ҳеч нарсани сезишмаган бўлса? Шунинг учун ҳам одамларни ҳўпбелликка ча-қириб, «Ҳой ишонлар, фар-зандларингизнинг босар-туса-ридан хабардор бўлинг, улар Ренат каби қудохат сиртмоғига илтиб, жиноят-чилик ботгоғига ботиб қол-гандан кейин» чеккан пушай-монингиздан фойда йўқ!» деб хитоб қилганимиз келаяди.

Мурод КАЛОНХОНОВ.

Мурод КАЛОНХОНОВ.



Олиш ёки «иссиғида» очиб ташлаш имко-нини беради. СУРАТДА: шаҳар Ички ишлар босқармаси навбатчи назоратчиси, мили-ция капитани Тохиржон Иброҳимов (чапда) Мирзо Улугбек тумани ички ишлар босқармаси штаби бошлиғи, милиция майори Отабек Исмомовдан шохшилич хабар олпяти.

Ҳабибулла Шодиев сурати.

унинг майда қадок тошлари чинди. Кўринишдан, у ўзини ҳам, харидорларини ҳам, «адаб» — ҳафа қилиб қўйишни истамайди чоғи. Пин-хона бозорда эса юқоридаги қордорнинг нархи ярим миллион сўм атрофида. Ҳозир макуру ҳодиса бў-йича жиний иш очилиб, тергов ҳаракатлари кетмоқ-да. Гивандлик моддасини сотиш ва олиш билан шу-ғулланётган равил кишилар доираси андиланмоқда. **Раҳим САЛОМОВ.** Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!
— **ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН:** ювиш баклари ва кранлардан сув оқиб туриши хонадонингиздаги сув таъминотини ёмонлаштиради, сувдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни қўпайтириб юборади. Кранлардан фойдаланиб бўлгач, уларни маҳкам бураб беркитинг.
Томорқа участкалари ва кўкатлар, йўлкалар, ҳовлилар, майдонлар, хиббонларни сув қузури тармоқларидаги сув билан суғориш

КАТЪЙИ МАН ЭТИЛАДИ
Сув қузуридаги сув оқиб туриши учун фойдаланилганлик ҳоллари аниқланган тақдирда сув қузури қўшимча оғохлантириш берилмаган ҳолда узиб қўйилади.
КУЧА ТАРМОҒИДАГИ СУВ ОҚИБ ЕТГАН ЖОЙЛАРДАН БЕПАРВО УТМАНГ!
Сув қузуридаги носозликни, ер тагидан сув чиқиб етганлигини ёки бўлмаса кўча колонкасининг носозлигини сезиб қолсангиз, қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг:
Ҳамза ва Миробод районлари — 96-32-51, 96-24-32.
Юнусобод району — 35-14-02, 35-04-01.
Яккасарой ва Сирғали районлари — 58-36-12, 58-32-93.
Собир Раҳимов ва. Шайхонтоҳур районлари — 46-03-84, 46-03-85, 46-99-57.
Акматалиқ Икромов району — 74-83-45, 74-57-69, 74-11-11.
Чилонзор району — 78-77-69.
Мирзо Улугбек району — 62-19-33, 62-19-34.
Марказий диспетчерлик хизмати — 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.
Сувдан фойдаланганлик ва шаҳар канализация хизматлари учун тўлов қоғозлари ўз вақтида тўлашни лозим.
Сувдан фойдаланганлик учун қарзини тўламаган абонентлар қўшимча оғохлантириш берилмаган ҳолда шаҳар сув қузури тармоқидан узиб қўйилади.
Кўчалардаги сув қузури-канализация қудуқларини қопқоқларини очиб ва уларнинг ичига тушиш қатъий ман этилади.
Қудуқлар ичиде — ҳаёт учун хавфли бўлган за-ҳарли газлар бор.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг **РЕКЛАМА-АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ**
бизнинг газетамиз учун реклама ва шахсий эълонларни чоп этиш юзасидан **БЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**
Сизнинг реклама ва эълонларингиз бизнинг газетамиз саҳифаларида зудлик билан босиб чиқарилади.
«Шарқ» концерни реклама-ахборот агентлигининг манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, 250-хона.
Телефонлар: **РЕКЛАМА — 33-81-42, 56-85-67, 32-57-27, 32-56-66.**

ХЎРМАТЛИ ТОШКЕНТИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ!
«БАХТ» хўжалик ҳисобидеги транспорт-экспедиция агентлиги Сизга қулай ва хилма-хил хизмат турларини таклиф этади:
— исталган йўналишга авиабилетларни ўйга элтиб бериш шарти билан 41-80-29 телефони орқали буюртма бериш;
— тўй-томоналар ва оилавий тантаналарга хизмат кўрсатиш учун, шунингдек, ташкилотлар учун «Чайка» ёки «Волга» автомобилларини танлаш;
— «ЛАЗ» ёки «ПАЗ» автобусларида шаҳар ташқарисига сайр-саёҳатга ёки экскурсияга чиқиб.

Бизнинг телефонлари-миз: 41-80-27, 41-80-29 ва манзилимизни эслаб қо-линг: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 35-уй.
СИЗИНИНГ МУАММОЛАРИНИ БИЗ ҲАЛ ҚИЛИБ БЕРАМИЗ!
«АНВИКОМ» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси (Беларус)
20 турдан ортиқ мини-заводлар ва ускуналарни, яъни: шакар, спирт, ём-мой заводлари, терига ишлов бериш, вакуумли қадоклар ва бошқаларни;
Беларусда ишлаб чиқарилган «халқ истеъмоли молларини»
БАРТЕР бўйича ва пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ.
Шунингдек, фирма бартер бўйича ёки шартнома-да кўрсатилган шартлар асосида пахта мойи, томат пастаси, қоқ мевалар, вино, ёноғ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олади.
Телефон (Тошкентдаги факсе): — (3712) 96-77-01, 65-64-35.
Минскда — (0172) 20-52-61.

«ИВЕРСОН» — ЖАҲОНГА ОЧИЛГАН ДАРИЧА!
МУҲТАРАМ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!
Сиз қизиқарли саёҳатга чиқмоқчимисиз? Сиз чет элдан хизмат ҳамкорларини излаяпсизми?
Сиз ўзингизнинг молиявий муаммоларингизни ҳал қилмоқчимисиз?
«ИВЕРСОН» САЙЁҲЛИК ФИРМАСИ БУ ИШДА СИЗГА ЕРДАМ БЕРАДИ!
БУГУН БИЗ СИЗНИ Милалашган Араб амирликлари, Малайзия, Покистон, Америка Қўшма Штатлари, Исроилга САФАРГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.
Хизмат кўрсатиш шартлари — ниҳоятда қулай!
Йўланма баҳоси — энг арзон!
Тўлов усули — Сиз учун энг қулай!
Ҳамкорлик — энг қулай!
«Ўзбекистон Иверсон Лтд» Британия компания-си сайёҳлик фаолияти билан шуғулланиши учун Ўзбекистон Республикасининг давлат лицензияси-га эга.
«Иверсон» фирмаси барча хоҳловчиларни саёҳат йўланмаларини сотиш бўйича ишга таклиф этади.
Меҳнат ҳақи сотилган йўланмалар сонига қараб тўланади.
Манзилимиз: 700027, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ФУР-ҚАТ КўЧАСИ, 1-уй (метронинг «Халқлар дўстли-ги» станцияси).
ТЕЛЕФОН: 45-13-63.

«СРЕДНЕАЗСИБКУЛЬТМОНТАЖ» босқармаси мамырияти
металл конструкцияларнинг монтажчилари, электр монтажчилар, электр-газ пайвандчилар, электр монтажчи-созловчиларини **ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-33-05, 44-55-57, (Уйғур кўчаси, 2а-уй).

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МАКТАБЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлаш кор-хонаси иккиламчи хом ашё топирувчиларга эълон чиққан кундан бошлаб 1 кг **МАКУЛАТУРА** учун 4 сўмдан ҳарид нархи белгиланишини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**
Корхоналар, ташкилотлар ва мактаблардан ма-кулатура олиб чиқиб кетиш учун 48-50-38, 48-04-93 телефонлари бўйича буюртма қабул қи-линади.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 48-04-93, 48-48-80.
Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов кор-хонаси.

ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ниң ва тўғрилиги учун жавабгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.
Манзилғоҳимиз: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Буюртма Г—120, 19899 нуسخда босилди, ҳажми—2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қўроқ бичими А—2. Нашр кўрсаткичи 64690.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — 3, 4/IV да Россия цир-ки артистларининг хайрлашув гастроллари (11, 14, 17.00).

ТЕАТР
НАВОИЙ НОМИДАГИ ЭЪ-БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/IV да Дилором (17.00), 2/IV да Но-ланта (18.00).

ЦИРК
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — 3, 4/IV да Россия цир-ки артистларининг хайрлашув гастроллари (11, 14, 17.00).

Тошкент оқшоми
Муассислар: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот но-минетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.
Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади.
Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.
Эълонлар ва тижорат хабарлари ниң ва тўғрилиги учун жавабгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.
Манзилғоҳимиз: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Буюртма Г—120, 19899 нуسخда босилди, ҳажми—2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қўроқ бичими А—2. Нашр кўрсаткичи 64690.